

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.10.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

РАВШАНОВ ҲАМРОҚУЛ АМИРҚУЛОВИЧ

**ТУПРОҚНИ ТАКРОРИЙ ЭКИНЛАР ЭКИШГА ТАЙЁРЛАЙДИГАН
ТЕХНИК ВОСИТАЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ
ИЛМИЙ-ТЕХНИК ЕЧИМЛАРИ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Равшанов Ҳамроқул Амиркулович

Тупроқни такрорий экинлар экишга тайёрлайдиган техник воситаларни
ишлаб чиқишнинг илмий-техник ечимлари..... 3

Равшанов Ҳамроқул Амиркулович

Научно-технические решения разработки технических средств для
подготовки почвы к посеву повторных культур..... 25

Ravshanov Hamroqul Amirqulovich

Scientific and technical solutions for developing technical means for preparing
the soil to seeding repeated crops..... 46

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 50

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.10.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

РАВШАНОВ ҲАМРОҚУЛ АМИРҚУЛОВИЧ

**ТУПРОҚНИ ТАКРОРИЙ ЭКИНЛАР ЭКИШГА ТАЙЁРЛАЙДИГАН
ТЕХНИК ВОСИТАЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ
ИЛМИЙ-ТЕХНИК ЕЧИМЛАРИ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Техника фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.DSc/Т349 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Қарши муҳандислик-иктисодиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.tiame.uz ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Маматов Фармон Муртозевич**
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Тўхтақўзиев Абдусалим**
техника фанлари доктори, профессор

Мусурмонов Аззам Турдиевич
техника фанлари доктори, доцент

Мансуров Мухторжон Тохиржонович
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **“ВМКВ-Agromash” АЖ**

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Т.10.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил “10” ноябрь соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (+99871) 237-09-45, факс: (+99871) 237-38-79, e-mail: admin@tiame.uz).

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (137 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (+99871) 237-09-45, факс: (+99871) 237-46-68, e-mail: admin@tiame.uz)

Диссертация автореферати 2020 йил “28” октябрь куни тарқатилди.
(2020 йил “28” октябрь даги № 1 рақамли реестр баённомаси).



Б.С. Мирзаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., профессор

К.Д. Астанақулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби в.в.б., т.ф.д., кат.и.х.

А.А. Ахметов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш, улардан юқори ҳосил олиш учун тупроқ унумдорлигини сақлаган ҳолда энергия-ресурстежамкор ва иш унуми юқори бўлган тупроққа ишлов бериш машиналарини ишлаб чиқиш ва қўллаш етакчи ўринни эгалламоқда. “Дунё миқёсида экишдан олдин тупроққа ишлов бериладиган майдон 1,6 млрд. гектарни ташкил этишини ҳисобга олсак”¹, иш сифати ва унуми юқори ҳамда энергия-ресурстежамкор тупроққа ишлов берадиган комбинациялашган машина ва курилмаларни ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланмоқда. Жумладан, ерларга асосий ишлов бериш билан бирга даладан бир ўтишда тупроқни экишга тайёрлаш бўйича барча технологик жараёнларни қўшиб бажарадиган минимал тупроққа ишлов берадиган комбинациялашган машиналарни ишлаб чиқиш ва қўллашга катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда қишлоқ хўжалик экинларини экишдан олдин далаларга асосий ишлов бериш билан бирга тупроқни экишга тайёрлашнинг ресурстежамкор технологиялари ва уларни амалга оширадиган техника воситаларининг янги илмий-техникавий асосларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда тупроққа ағдариб ва ағдармасдан ишлов бериб уни бир ўтишда экинлар экишга тайёрлайдиган комбинациялашган машиналарни ишлаб чиқиш ва уларнинг асосий иш органларининг технологик иш жараёнларини асослаш, иш органларнинг тупроқ билан ўзаро таъсирлашиш жараёнида ресурстежамкорликни таъминлаш бўйича мақсадли илмий изланишларни олиб бориш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида меҳнат ва энергия сарфини камайтириш, ресурсларни тежаш, ерларни илғор технологиялар асосида экишга тайёрлаш қишлоқ хўжалик экинларини илғор технологиялар асосида етиштириш ва юқори унумли қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, жумладан, далаларни экишга тайёрлашда тупроққа асосий ишлов бериш ва бир вақтда уни экишга тайёрлаш орқали кам энергия сарфлаб, барча технологик жараёнларни сифатли бажарилишини таъминлайдиган техник воситаларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини икки баробардан зиёд кўпайтириш, ... 2017-2020 йилларга мўлжалланган экин майдонларини оптималлаштириш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, замонавий интенсив агротехнологияларни жорий этиш ..., ... қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш»² вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни бажаришда

¹ www.fao.org/docrep/018/i1688r/i1688r03.pdf, www.agroru.com/blog/novinki_agromislennogo_kompleksa

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.

ерларга ағдариб ва ағдармасдан ишлов бериб уни экишга тайёрлайдиган машиналарни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш ҳисобига қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ва мунтазам ҳосил олиш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2016 йил 23 декабрдаги «2016-2020 йиллар даврида қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2694-сонли, 2017 йил 7 июлдаги «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасида илмий-техникавий базани янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3117-сонли Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Тупроққа ағдариб ва ағдармасдан ишлов бериш ҳамда уни экишга тайёрлаш технологиялари ва техник воситаларини ишлаб чиқиш ва уларни такомиллаштиришга қаратилган изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Cornell University, Pennsylvania State University (АҚШ), University of Hohenheim, University of Göttingen (Германия), Россия давлат аграр университети - К.А.Тимирязев номидаги МҚХА, Бутунроссия қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти (Россия Федерацияси), Беларус давлат аграр техника университети (Белорус Республикаси), Украина қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти, Латвия қишлоқ хўжалиги университети (Латвия) томонидан кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ерларга ишлов беришда энергия-ресурслар сарфини камайтиришни таъминлашга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: тупроқ палахсаларини ўз эгати чегарасида ағдариб текис шудгорлаш билан бирга шудгор юзасини текислайдиган комбинациялашган фронтал плуглар яратилган (Россия давлат аграр университети - К.А.Тимирязев номидаги МҚХА (Россия Федерацияси), Бутунроссия қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти (Россия Федерацияси), «Alice Chalmers» фирмаси (АҚШ), «Overum» фирмаси (Швеция)), тупроққа ағдармасдан ишлов бериш ва бир вақтда уни экишга тайёрлаш технологияларига асосланган техник воситалар ишлаб чиқилган

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи Journal of Agricultural Engineering (Italy), International Journal of Agricultural Science and Ttechnology (The USA), Russian Engineering Research (The USA), International journal of Agricultural and Biological Engineering (China), Agronomy Research (Estonia) ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

(Бутунроссия қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти (Россия Федерацияси), «Lemken» фирмаси (Германия), Челябинск давлат аграр университети (Россия Федерацияси), Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон)), тупроққа ағдармасдан ишлов берадиган иш органларнинг конструкциялари ва параметрлари назарий ва тажрибавий тадқиқотлар асосида мақбуллаштирилган (Волгоград давлат аграр университети, Россия давлат аграр университети - К.А.Тимирязев номидаги МҚХА (Россия Федерацияси), Украина қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти)), экинларни экиш учун бир йўла ағдариб ва ағдармасдан ишлов бериб тупроқни экишга тайёрлаш технологиялари ва машиналари яратилган (University of Hohenheim (Германия); Волгоград давлат қишлоқ хўжалик академияси (Россия Федерацияси); Донск давлат аграр университети (Россия Федерацияси); Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон), тупроққа ишлов беришда энергия сарфини камайтириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш учун тупроққа ишлов бериш машиналарининг қамраш кенлиги ва иш тезлигини ошириш, иш органлари ишчи юзаларини нона материаллар билан қоплаш каби усуллар ишлаб чиқилган (Michigan State University, University of Illinois (АҚШ), The Institute of agricultural engineering (Англия), University Bologna, Institute for agricultural mechanization (Италия)).

Жаҳонда тупроққа ишлов беришда энергия-ресурслар сарфини камайтириш ва иш унумини ошириш бўйича бир қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: юқори техник даражадаги ва минимал энергия сарфлайдиган модуль-блочки унификациялашган тупроққа ишлов берадиган машиналарнинг оптимал типажини ишлаб чиқиш; текис шудгорлайдиган айланма, фронтал ва чизиқли плуглар комплексини яратиш; ағдаргичли ва ағдаргичсиз ярусли плуглар ҳамда комбинациялашган машиналарни ишлаб чиқиш; намни сақлайдиган ва тупроқни ҳимоя қиладиган технологиялар учун юқори унумли машиналарни яратиш; тупроққа ишлов бериш агрегатларининг қамраш кенлиги ва иш тезлигини ошириш; тупроққа ишлов беришда энергия сарфини камайтирадиган ва ресурсларни тежайдиган технологияларни жорий этиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тупроққа ағдариб ва ағдармасдан ишлов бериш ҳамда бир йўла даладан бир ўтишда тупроқни экишга тайёрлайдиган комбинациялашган машиналарни яратиш ҳамда улар иш органларини параметрларини асослаш бўйича хорижда L.C.Kaufman (АҚШ), D.S.Totten (АҚШ), R.Carlson (Швеция), G.Krupp (Германия), В.А.Сақун, И.М.Панов, О.А.Сизов, Г.Е.Листопад, Я.П.Лобачевский, Г.Н.Синеоков, А.П.Иофинов, А.И.Ряднов, М.М.Ямалетдинов, Н.К.Мазитов, М.А.Давлетшин, П.С.Нартов, В.Г.Абезин, Ю.М.Добринин, А.С.Кушнарев, В.М.Бойков (Россия Федерацияси) ва бошқалар шуғулланишган.

Республикамизда тупроққа ағдариб ва ағдармасдан асосий ишлов бериш ҳамда уни экишга тайёрлаш каби агротехник тадбирларни бажаришда қўлланиладиган комбинациялашган плуглар ва машиналарни яратиш бўйича Р.И.Бойметов, А.Тўхтақўзиев, А.А.Ахметов, Ф.М.Маматов, И.Т.Эргашев,

Б.М.Худаяров, Т.С.Худойбердиев, Б.С.Мирзаев, Н.М.Муродов, Д.Ш.Чуянов, М.Т.Мансуров, Қ.Б.Имомқулов, И.С.Рўзиев, Х.А.Файзуллаев ва бошқалар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Мазкур тадқиқотлар натижалари асосида яратилган машина ва қуроллар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида муайян ижобий натижаларга эришилган ҳолда қўлланиб келинмоқда.

Олиб борилган ушбу тадқиқотларда тупроққа ағдариб ва ағдармасдан ишлов бериб уни бир йўла экишга тайёрлайдиган машиналарнинг конструктив схемалари ва иш органларнинг параметрларини асослаш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-15-093 “Тупроққа ишлов бериш ва экишга тайёрлаш учун кўпфункционали агрегатни ишлаб чиқиш” (2009-2011 йй.), ОТ-Ф2-01 “Энергия-ресурстежамкор эгатсиз текис шудгорлайдиган комбинациялашган плуглар ва улар асосидаги турли технологик жараёнларни бир ўтишда бажарадиган машиналарни яратишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш” (2017-2020 йй.) лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади далаларни экишга сифатли тайёрлаш ва энергия-ресурстежамкорликни таъминлаш учун тупроққа ағдариб ва ағдармасдан ишлов бериш билан бир вақтда уни такрорий экинлар экишга тайёрлайдиган техник воситаларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кузги донли экинлардан бўшаган далаларга ағдармасдан ишлов бериш билан бир вақтда уни такрорий экинлар экишга тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш;

такрорий экинлар экиш учун тупроққа ағдармасдан ишлов бериш технологияси асосида бир ўтишда тупроқни экишга тайёрлайдиган комбинациялашган машинанинг конструктив схемаси ва параметрларини асослаш;

экиш зонаси четки қисмлари палахсаларини ўз эгати чегарасида ағдариб ва уни ўрта қисми тупроғини ағдармасдан ишлов бериш билан бир вақтда полиз экинларини экишга тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш;

тупроққа ағдариб ва ағдармасдан ишлов бериш билан бир вақтда уни полиз экинларини экишга тайёрлайдиган комбинациялашган машинанинг конструктив схемаси ва параметрларини асослаш;

комбинациялашган машиналарнинг тажриба нусхаларини тайёрлаш ва синовларини ўтказиш, уларни қўллашдан олинadиган иқтисодий самарани аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тупроқнинг физик-механик хоссалари, такрорий ва полиз экинларини экиш учун тупроқни тайёрлайдиган комбинациялашган машиналар ҳамда уларнинг иш органлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети комбинациялашган машиналар иш органларининг тупроқ билан ўзаро таъсирлашиш жараёнлари ва уларнинг

параметрлари, комбинациялашган машиналар энергетик ва сифат кўрсаткичларини уларнинг иш органларининг параметрлари ва агрегат ҳаракат тезлигига боғлиқ равишда ўзгариш қонуниятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида назарий механика, деҳқончилик механикаси, математик статистиканинг қонун ва қоидалари, экспериментларни математик режалаштириш, тензометрия усуллари ҳамда мавжуд меъёрий ҳужжатларда белгиланган усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тупроқни минимал ишлов бериб такрорий экинлар экишга тайёрлашда қўлланиладиган ағдаргичсиз корпус, сферик диск ва ғалтакмоладан иборат комбинациялашган машина ишлаб чиқилган;

тупроққа ишлов беришда қўлланиладиган плуглар учун такомиллашган ағдаргичсиз корпус ишлаб чиқилган;

ағдаргичсиз корпус лемехи кенгайтиргичининг кенглиги тупроқни унинг юзасида минимал қаршилик билан силжиши, лемех учидан таянч ғилдиракнинг марказигача бўлган бўйлама масофа деформацияланган тупроқни тўсиқсиз силжиши, ағдаргичсиз корпуслар орасидаги бўйлама масофа эса палахсаларнинг деформацияланиш ҳудуди бир-бирига тушмаслигини ҳисобга олган ҳолда асосланган;

комбинациялашган машина сферик диски иш органининг диаметри дала юзасидаги ўсимлик қолдиқларини кесиб кетиш шартидан, ғалтакмоланинг диаметри унинг планкаси кесак билан учрашганда уни олдинга сурмасдан устидан думалаб ўтиши шартидан аниқланган;

тупроқни полиз экинларини экиш учун тайёрлайдиган ресурстежамкор тупроққа ишлов бериш усули ишлаб чиқилган;

бир ўтишда палахсаларни ўз эгати чегарасида ағдариш ва экиш зонаси қолган қисми тупроғини ағдармасдан ишлов бериш билан бир вақтда полиз экинларини экиш учун суғориш ариғини шакллантириш ва пуштасини текислашни таъминлайдиган тупроққа ишлов бериш машинаси ишлаб чиқилган;

машина ўнг ва чап корпуслари ва уларнинг тескарикесар лемехи, ғалтакмоласи ва ариқочгичининг мақбул параметрлари уларнинг энергетик ва сифат кўрсаткичларини белгиловчи регрессия тенгламаларини ечиш орқали аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кузги донли экинлардан бўшаган далаларга ағдармасдан ишлов бериш билан бир вақтда уни такрорий экинлар экишга тайёрлайдиган комбинациялашган машина ишлаб чиқилган;

тупроққа бир ўтишда ағдариб ва ағдармасдан ишлов бериб, полиз экинларини экиш учун суғориш ариғини шакллантирадиган ва пушталарини текислайдиган комбинациялашган машина ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган машиналар иш органларининг мақбул параметрларида тупроққа асосий ишлов бериш ва экинларни экишга тайёрлаш учун энергия ва ресурс сарфлари камайиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги изланишларнинг замонавий услуб ва ўлчаш воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, комбинациялашган машиналар иш органларининг параметрларини назарий жиҳатдан асослашда олий математика, назарий механиканинг асосий қоида ва усулларига амал қилинганлиги, тажрибалар натижаларига математик статистика услублари билан ишлов берилганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижаларининг ўзаро адекватлиги, комбинациялашган машиналар дала синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти такрорий ва полиз экинларини экиш учун тупроқни тайёрлайдиган комбинациялашган машиналарни ишлаб чиқилганлиги, иш органлари сифат ва энергетик кўрсаткичларини уларнинг параметрларига боғлиқлигини ифодаловчи боғланиш ҳамда регрессия тенгламалари олинганлиги, улардан шунга ўхшаш машиналарни ишлаб чиқишда қўллаш мумкин эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган комбинациялашган машиналар билан тупроққа агротехника талаблари даражасида сифатли ишлов берилиши, ёнилғи-мойлаш материаллари, меҳнат сарфи ва фойдаланиш харажатларини камайтиришга ва иш унумини оширишга эришилганлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тупроқни такрорий экинлар экишга тайёрлайдиган техник воситаларни ишлаб чиқиш бўйича ўтказилган тадқиқотларда олинган натижалар асосида:

полиз экинларини экиш учун тупроққа ишлов бериш усулига Россия Федерацияси интеллектуал мулк бўйича Федерал хизматининг ихтирога патенти олинган («Плёнка остига полиз экинларини етиштириш учун тупроққа ишлов бериш усули», RU 2719127-2020 й.). Натижада бир ўтишда тупроққа ағдариб ва ағдармасдан ишлов бериш, полиз экинларини экиш учун суғориш ариғини шакллантириш ва пушталарини текислаш усулини яратиш имконини берган;

полиз экинларини экиш учун тупроққа ишлов бериш агрегатига Россия Федерацияси интеллектуал мулк бўйича Федерел хизматининг ихтирога патенти олинган («Плёнка остига полиз экинларини етиштириш учун тупроққа ишлов бериш агрегати», RU 2710072-2019 й.). Натижада бир ўтишда далаларга ағдариб ва ағдармасдан ишлов бериш, полиз экинларини экиш учун суғориш ариғини шакллантириш ва пушталарини текислашни амалга оширадиган комбинациялашган машина конструкциясини яратиш имконини берган;

тупроққа ағдариб ишлов берадиган корпусга Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган («Плуг корпуси», №IAP 03149-2006 й.). Натижада кам энергия ва меҳнат сарфлаган ҳолда тупроққа ишлов берадиган корпус конструкциясини яратиш имконини берган;

кузги донли экинлардан бўшаган далаларда такрорий экинлар экиш учун тупроқни тайёрлайдиган комбинациялашган машина Қарши ва Қамашни туманлари фермер хўжаликларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси

Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 27 августдаги 02/023-1988-сонли маълумотномаси). Натижада ҳар бир гектар ерга сарфланадиган ёнилғи-мойлаш материаллари 29,4 фоизга, меҳнат сарфи 38,2 фоизга, фойдаланиш харажатлари эса 41,3 фоизга камайтириш имкони яратилган;

бир ўтишда полиз экинларини экиш учун тупрокни тайёрлайдиган комбинациялашган машина Чироқчи ва Қамаш туманлари фермер хўжаликларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 27 августдаги 02/023-1988-сонли маълумотномаси). Натижада, ҳар бир гектар ерга сарфланадиган ёнилғи-мойлаш материаллари 36,1 фоизга, меҳнат сарфи 43,4 фоизга, фойдаланиш харажатлари эса 46,2 фоизга камайтириш имкони яратилган;

комбинациялашган машиналарни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун лойиҳа-конструкторлик ҳужжатлари «ВМКВ-Агromash» АЖ да жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 27 августдаги 02/023-1988-сонли маълумотномаси). Натижада далаларни такрорий ва полиз экинларини экишга тайёрлайдиган комбинациялашган машиналарни ишлаб чиқариш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари, жумладан 8 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган. Ишланмалар 2009-2017 йилларда Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркалари кўргазмасида намойиш этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 42 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори (DSc) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган журналларда 16 та мақола, жумладан 12 таси республика, 4 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг 2 та ихтиро ва 5 та фойдали моделига, Россия Федерацияси интеллектуал мулк бўйича Федерал хизматининг 2 та ихтирога ва 1 та фойдали моделга патентлари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 206 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Муаммонинг қўйилиши ва тадқиқотнинг вазифалари**» деб номланган биринчи бобида Республикамиздаги экинларни экиш олдидан ишлов беришнинг ҳозирги ҳолати, дунё миқёсида далаларни такрорий ва полиз экинларини экишга тайёрлаш технологиялари ва уларни амалга оширадиган техника воситалари, уларни ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари таҳлил этилган ҳамда тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган.


Ҳозирги вақтда тупроққа асосий ишлов бериш ва уни экишга тайёрлаш технологиялари алоҳида-алоҳида ва кетма-кет бажариладиган бир нечта операцияларни ўз ичига олган агротехник тадбирлардан иборат бўлиб, бу тупроқдаги намни йўқотилишига, уни ортикча зичланишига ва структурасини бузилишига, экиш муддатларини чўзилишига ҳамда ёнилғи сарфи, меҳнат ва бошқа харажатларни кескин ошишига олиб келади.

Ўтказилган таҳлилларни кўрсатишича, такрорий ва полиз экинларини экиш учун тупроқни экишга тайёрлашда унга ишлов бериш сифатини ошириш, ёнилғи сарфи, меҳнат ва бошқа харажатларни камайтиришга тупроққа ағдармасдан ишлов бериш ҳамда уни экишга тайёрлашни бир ўтишда амалга оширишни таъминлайдиган комбинациялашган машиналарни қўллаб эришиш мумкин.

Диссертациянинг «**Тупроқнинг физик-механик хоссаларини ўрганиш**» деб номланган иккинчи бобида кузги донли экинлардан бўшаган майдонлар тупроғининг физик-механик хоссаларини ўрганиш натижалари келтирилган. Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, 0-30 см қатламда кузги донли экинларнинг ҳосили йиғиб олинган майдонлар тупроқларининг ўн кун давомидаги намлиги дастлабки намликка нисбатан 12,1-16,3% гача камаяди, тупроқнинг қаттиқлиги эса 10,7-16,4% гача ошади ва 3,22-5,14 МПа ни ташкил қилади. Бунда ўртача намлик 12-14% бўлганда тупроқнинг силжишга мустаҳкамлиги узилиш ва буралишга мустаҳкамлигига нисбатан мос ҳолда 1,3-1,8 ва 1,0-1,1 марта кўп, унинг силжишга мустаҳкамлиги 87,9 кПа, узилиш ва буралишга мустаҳкамликлари эса мос ҳолда 69,7 ва 78,6 кПа ни ташкил этади.

Диссертациянинг «**Экиш олдидан тупроққа ағдармасдан ишлов берадиган комбинациялашган машинани ишлаб чиқиш ва унинг ишчи қисмлари параметрларини асослаш**» деб номланган учинчи бобида таклиф этилаётган технология ва уни амалга оширадиган комбинациялашган машинанинг конструктив схемаси, унинг асосий иш органларининг параметрларини асослашга доир назарий ҳамда экспериментал тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Таклиф этилаётган технологияда (1-расм) машинанинг бир ўтишида қуйидаги операциялар амалга оширилади: ағдаргичсиз корпуслар устунни олдидаги ўсимлик қолдиқлари ва тупроқ қатлами дисксимон пичоқлар 1 ёрдамида тик текисликда кесилади. 25-27 см қалинликдаги тупроқ қатламига ағдаргичсиз корпуслар 2 билан ағдармасдан ишлов бериш билан бирга уларга ўрнатилган майдалагич пичоқлар 3 ёрдамида ишлов берилган қатламнинг ўрта қисми интенсив юмшатилади. Кесик сферик дискли батареялар 4 тупроқни



1-дисксимон пичоқ; 2-ағдаргичсиз корпус; 3-майдалагич пичоқлари;
4-сферик диски батарея; 5-ғалтакмола


1-расм. Тупроққа ағдармасдан ишлов бериш технологияси

қўшимча майдалайди ва тупроқнинг юқори қатламини аралаштиради ҳамда ўсимлик қолдиқларидан мулчланган қатламни яратади, ғалтакмола 5 эса тупроқ юзасини текислайди ва зичлайди. Натижада такрорий экинлар экиш учун тупроқ экишга тўлиқ тайёрланади.

Юқорида келтирилган технологик жараёнларни комбинациялашган машинанинг бир ўтишида бир йўла бажариш такрорий экинлар экиладиган ҳудуд тупроғининг намлигини сақлайди, аэрация ва инфильтрация жараёнларини яхшилайти, тупроқ эрозиясини ривожланишига барҳам беради, тупроқни зичланишини олдини олади ва уни экишга тайёрлаш муддатини кескин қисқартиради, экиш олдидан тупроққа ишлов бериш ва уни экишга тайёрлашда моддий ва энергия ресурсларини тежайди, яъни агрегатларнинг даладан ўтишлар сонини камайиши ҳисобига тупроққа минимал ишлов бериш таъминланади.


Комбинациялашган машина (2-расм) рама 1, таянч ғилдираклар 2, дисксимон пичоқлар 3, ағдаргичсиз корпуслар 4, майдалагич пичоқлар 5, кесик сферик диски батареялар 6 ва ғалтакмола 7 дан ташкил топган.

Ағдаргичсиз корпус тупроқ қатламига ағдармасдан ишлов беришга мўлжалланган бўлиб, у устун 1, йўналтиргич 2, майдалагич



1-рама; 2-таянч ғилдирак; 3-дисксимон пичоқ;
4-ағдаргичсиз корпус; 5-майдалагич пичоқлар;
6-кесик сферик диски батарея; 7-ғалтакмола

2-расм. Комбинациялашган машинанинг конструктив схемаси



1-устун; 2-йўналтиргич; 3-лемех кенгайтиргич; 4-майдалагич пичок; 5-лемех; 6-искана

3-расм. Ағдаргичсиз корпуснинг асосий параметрлари

пичоқлар 3, лемех 4, искана 5 дан ташкил топган (3-расм). Ағдаргичсиз корпуснинг асосий параметрларига қўйидагилар киради: $2b_k$ – корпуснинг қамраш кенглиги, м; γ – лемехни ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги, градус; ε – лемехни эгат тубига нисбатан ўрнатилиш бурчаги, градус; b_n – лемехнинг эни, м; l_n – лемех тиғининг узунлиги, м; i_n – лемех тиғининг ўткирланиш бурчаги, градус; t_n – лемех тиғининг қалинлиги, м; l_u – искана ишчи сиртининг узунлиги, м; b_u – искананинг эни, м; α_u – искананинг тупроққа кириш (увалаш) бурчаги, градус; i_u – искана тиғининг ўткирланиш бурчаги, градус; t_u – искананинг қалинлиги, м; n_m – майдалагич пичоқлари сони, дона; l_n ва h_n – майдалагичнинг узунлиги ва баландлиги, м; α_n – майдалагич пичоғининг тиғини горизонтга нисбатан ўрнатилиш бурчаги, градус; H – корпуснинг баландлиги, м; t_y – устуннинг қалинлиги, м.

Илгари бажарилган ва ўтказилган тадқиқотларга асосан ағдаргичсиз корпуснинг қамраш кенглигини $b_k = 0,45$ м, лемех тиғининг ўткирланиш бурчагини

$i_n = 25^\circ$, искананинг қалинлиги, кенглиги ва узунлигини мос равишда $t_u = 0,02$ м; $b_u = 0,035$ м ва $l_u = 0,2$ м, тумшуғининг чархланиш бурчагини $i_u = 18^\circ$ га тенг этиб қабул қиламиз.

Ағдаргичсиз корпуснинг лемехи кенгайтиргич қисмининг кенглигини аниқлаш учун тупроқни унинг юзасида силжиши шартидан қўйидаги ифода олинди

$$b_a \leq \frac{\rho V_n^2 \sin \varepsilon \sin \psi [\cos(\varepsilon + \psi) - \sin(\varepsilon + \psi) \operatorname{tg} \varphi \cos \delta] + \sigma_\varepsilon \sin^2(\varepsilon + \psi)}{\rho g [\sin \varepsilon + \sin(\varepsilon + \psi) \operatorname{tg} \varphi \cos \delta] \sin \psi}, \quad (1)$$

бунда ρ – тупроқнинг зичлиги, кг/м^3 ; V_n – ҳаракат тезлиги, м/с; ε – лемехни эгат тубига нисбатан ўрнатилиш бурчаги, градус; ψ – тупроқни тиғга перпендикуляр текисликда синиш бурчаги, градус; φ – тупроқни лемех тиғи бўйича ишқаланиш бурчаги, градус; δ – тиғга нормал чизиқ билан палахса ҳаракат йўналиши орасидаги бурчак, градус; g – эркин тушиш тезланиши, м/с^2 ; σ_ε – тупроқнинг горизонтал йўналишда эзилишга қаршилиги, Па.

Олинган ифодаларга кўра ағдаргичсиз корпус лемехининг ҳаракат йўналиши ва эгат тубига нисбатан ўрнатилиш бурчаклари мос равишда

$\gamma = 42^\circ$ ва $\varepsilon = 35^\circ$, тупроққа кириш бурчаги $\alpha = 25^\circ$, корпуснинг баландлиги $H = 0,45$ м бўлиши лозимлигини кўрсатди.

Майдалагич пичоқларнинг асосий параметрларига қуйидагилар киради: θ_n – пичоқни ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги, градус; α_n – тиғининг горизонтга нисбатан ўрнатилиш бурчаги, градус; n – пичоқлар сони, дона; l_m – пичоқлар орасидаги кўндаланг масофа, м; l_n – пичоқнинг узунлиги, м; h_n – баландлиги ва ўткирланиш бурчаги i_n .

Назарий олинган ифодаларга кўра, $\theta_n=10^\circ$, $\alpha_n=30^\circ$, $n=4$ дона, $l_m=0,1$ м, $l_n=0,12-0,14$ м, $h_n = 0,035$ м ва $i_n = 25^\circ$ бўлиши лозимлигини кўрсатди.

Сферик дискли иш органнинг диаметрини аниқлаш учун у дала юзасидаги ўсимлик қолдиқларини кесиб кетиш шартидан қуйидаги ифода олинди

$$D_{cd\min} \geq \frac{D_m \cos 2\varphi_{\min} + (D_m + 2h_{\max})}{1 - \cos 2\varphi_{\min}}, \quad (2)$$

бунда D_m – ўсимлик қолдиқларининг диаметри, м; φ_{\min} – ўсимлик қолдиқларини тупроқ юзаси бўйича энг кичик ишқаланиш бурчаги, градус; h_{\max} – сферик дискнинг максимал ишлов бериш чуқурлиги, м.

Ғалтакмоланинг диаметрини аниқлаш учун унинг планкаси кесак билан учрашганда уни олдинга сурмасдан устидан осон думалаб ўтиши шартидан қуйидаги ифода олинди

$$D_e \geq \frac{d_k [(1 + \cos(\varphi_1 + \varphi_2))] + h_n \cos(\varphi_1 + \varphi_2)}{1 - \cos(\varphi_1 + \varphi_2)}, \quad (3)$$

бунда d_k – кесакнинг диаметри, м; φ_1 ва φ_2 – мос равишда кесакни ғалтакмола планкаси ва дала юзасига (тупроққа) ишқаланиш бурчақлари, градус; h_n – ғалтакмола планкасининг баландлиги, м.

Ағдаргичсиз корпуснинг лемехи тумшуғидан таянч ғилдиракнинг марказигача бўлган бўйлама масофани аниқлаш учун ағдаргичсиз корпус лемехи томонидан деформацияланган тупроқни тўсиқсиз силжиши, яъни лемех таъсирида юзага келган тупроқни силжиш текислиги таянч ғилдиракнинг гардишига тегмаслиги шартидан қуйидаги ифодага эга бўлинди

$$L_{mz} \geq \sqrt{R_k^2 - (R_k - h_k)^2} + a \cos \gamma \operatorname{tg} \frac{1}{2}(\varepsilon + \varphi_1 + \varphi_2), \quad (4)$$

бунда R_k – таянч ғилдиракнинг радиуси, м; h_k – ғилдиракни тупроққа ботиш чуқурлиги, м; a – ағдаргичсиз корпуснинг ишлов бериш чуқурлиги, м.

Ағдаргичсиз корпуслар орасидаги бўйлама масофани аниқлаш учун кейинги корпус билан ишлов берилаётган палахсанинг деформацияланиш ҳудуди олдиндаги корпус деформацияланиш ҳудудига тушмаслиги шартидан қуйидаги ифода келтириб чиқарилди

$$L_k \geq \frac{a}{\sin \gamma} \left[\operatorname{tg} \frac{1}{2}(\varepsilon + \varphi_1 + \varphi_2) + \operatorname{tg} \theta \right], \quad (5)$$

бунда θ – тупроқни ён томонга синиш бурчаги, градус.

Ағдаргичсиз корпуснинг лемехи тумшуғидан дисксимон иш органнинг айланиш ўқиғача бўлган бўйлама масофа қўйидаги ифода бўйича аниқланди

$$\begin{aligned}
 L_{\kappa\delta} = & 0,8b_{\kappa} \operatorname{ctg}\gamma + b_{\lambda} \cos \alpha + \frac{V_n \cos(\arcsin \operatorname{tg}\alpha \cos \varepsilon)}{g} \times \\
 & \times \sqrt{\frac{\sin^2 \gamma \cos^2(\varepsilon + \varphi)}{\cos^2 \varphi} + \cos^2 \gamma} \{V_n \operatorname{tg}\alpha \cos \varepsilon \sqrt{\frac{\sin^2 \gamma \cos^2(\varepsilon + \varphi)}{\cos^2 \varphi} + \cos^2 \gamma} + \\
 & + \sqrt{V_n^2 (\operatorname{tg}\alpha \cos \varepsilon)^2 \left[\frac{\sin^2 \gamma \cos^2(\varepsilon + \varphi)}{\cos^2 \varphi} + \cos^2 \gamma \right] + 2gb_{\lambda} \sin \varepsilon} \} \times \\
 & \times \cos \operatorname{arctg} \frac{(1 - \cos \varepsilon) \operatorname{tg}\gamma}{1 + \operatorname{tg}^2 \gamma \cos \varepsilon} + \operatorname{tg}\alpha + \sqrt{2Rh - h^2} \sin \mu, \quad (6)
 \end{aligned}$$

бунда b_{κ} – ағдаргичсиз корпуснинг қамраш кенглиги, м; b_{λ} – лемехнинг эни, м; R – сферик дискнинг радиуси, м; h – сферик дискнинг ишлов бериш чуқурлиги, м; μ – сферик дискнинг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги, градус.

(1) - (6) ифодалар бўйича ҳисоблашлар ағдаргичсиз корпуснинг лемехи кенгайтиргич қисмининг кенглиги $b_a = 0,170 - 0,176$ м, сферик дискли иш органнинг диаметри камида $D_{\text{сд min}} = 0,66$ м, битта батареяда жойлашган дисклар орасидаги кўндаланг масофа $l_{\delta\delta} = 0,23$ м, ғалтакмоланинг диаметри $D_{\varepsilon} = 0,33$ м, планкаларининг сони $n_n = 11$ дона, баландлиги $h_n = 0,04$ м, ўрнатилиш бурчаги $\gamma_n = 32^\circ$, лемех тумшуғидан таянч ғилдиракнинг марказигача бўлган бўйлама масофа $L_{m\varepsilon} = 0,48-0,50$ м, ағдаргичсиз корпуслар орасидаги бўйлама масофа камида $L_{\kappa} = 0,40-0,45$ м ва лемех тумшуғидан дисксимон иш органнинг айланиш ўқиғача бўлган бўйлама масофа $L_{\kappa\delta} = 1,18-1,20$ м бўлиши лозимлигини кўрсатди.

Комбинациялашган машинанинг тортишга қаршилигини умумий кўринишда қўйидагича ифодалаш мумкин

$$\begin{aligned}
 P = & fG + n_{\delta n} k_{\delta} a_{\delta} + n_{\kappa} [\sigma_o \delta b_u + \frac{qb_u t_u^2 \sin(\alpha_u + i_u) \sin(\alpha_u + i_u + \varphi)}{2 \sin^2 \beta_{\varphi} \cos \varphi} + \tau \frac{a}{\sin \psi} \times \\
 & \times (b_u + K \frac{\operatorname{actg}\psi_1}{\sin \psi}) [\cos \psi + f \sin(\alpha_u + \psi) \cos \alpha_u] + \rho a [b_u V^2 \sin \alpha_u \operatorname{tg}(\alpha_u + \varphi) + \\
 & + gl_u (b_u + \operatorname{actg}\psi_1) (\frac{1}{2} \sin \alpha_u + f \cos^2 \alpha_u)] (1 + \frac{W}{100}) + \frac{2b_{\kappa} - b_u}{2 \sin \gamma} t_n \sigma_o \sqrt{1 + f^2} \times \\
 & \times \cos(\gamma + \varphi) + \frac{q(2b_{\kappa} - b_u) t_n^2 \sin(\alpha + i_n) \sin(\alpha + i_n + \varphi)}{4 \sin^2 i_n \cos \varphi} + \frac{\tau a (2b_{\kappa} - b_u)}{2} \times \\
 & \{ \operatorname{ctg}\psi_1 + \frac{f \sin(\varepsilon + \psi_1) \cos \operatorname{arcsin}(\operatorname{tg}\alpha \cos \varepsilon) \cos[\operatorname{arctg} \frac{(1 - \cos \varepsilon) \operatorname{tg}\gamma}{1 + \operatorname{tg}^2 \gamma \cos \varepsilon}]}{\sin \gamma \sin \psi_1} \} + \\
 & + \rho b_a \frac{(2b_{\lambda} - b_u)}{2 \operatorname{tg}\gamma} (\operatorname{tg}\alpha \cos \varepsilon + f \cos \gamma) \times \sqrt{1 - (\operatorname{tg}\alpha \cos \varepsilon)^2} \cos[\operatorname{arctg} \frac{(1 - \cos \varepsilon) \operatorname{tg}\gamma}{1 + \operatorname{tg}^2 \gamma \cos \varepsilon}] +
 \end{aligned}$$

$$\begin{aligned}
& + \frac{1}{2} \rho a \left(\frac{a \cos \gamma}{tg \psi_1} + 2b_n \right) V^2 \sin \gamma \cos \psi_1 (1 - i_{макс}) \left[\sin \gamma \cos \psi_1 + \right. \\
& \quad \left. + f \sin(\varepsilon + \psi_1) \cos(\arcsin tg \alpha \cos \varepsilon) \cos \arctg \frac{(1 - \cos \varepsilon) tg \gamma}{1 + tg^2 \gamma \cos \varepsilon} \right] + \\
& \quad + \frac{q(2b_k - b_u) t_n^2 \sin(\alpha + i_n) \cos(\alpha + i_n + \varphi)}{4 \sin^2 i_n \sin \gamma \cos \varphi} + \frac{\tau a (2b_k - b_u)}{2} \times \\
& \times \left\{ \sin \psi_1 - f \sin(\varepsilon + \psi_1) \cos \arcsin(tg \alpha \cos \varepsilon) \sin \left[\arctg \frac{(1 - \cos \varepsilon) tg \gamma}{1 + tg^2 \gamma \cos \varepsilon} \right] \right\} + \\
& + \rho g b_a a \frac{(2b_n - b_u)}{2} ctg \gamma (1 - tg \alpha \cos \varepsilon \cos \varepsilon) + \frac{\rho}{2} a \left(\frac{a \cos \gamma}{tg \psi_1} + 2b_n \right) v^2 \sin \gamma \cos \psi_1 \times \\
& \quad \times (1 - i_{макс}) \left[\sin \gamma \cos \psi_1 - f \sin(\varepsilon + \psi_1) \cos(\arcsin tg \alpha \cos \varepsilon) \right] \times \\
& \quad \times \sin \arctg \frac{(1 - \cos \varepsilon) tg \gamma}{1 + tg^2 \gamma \cos \varepsilon} \left. \right] + 4(ab_k - \frac{1}{2} b_k^2 tg \delta)(K + \varepsilon_1 V^2) + \sigma h_{n1} \delta (1 + f \cos \alpha_n) + \\
& \quad + 4p \frac{t_n}{\sin i_n} h_n (1 + f \cos \alpha_n) + 8f \rho_1 (l_n - \frac{h_n}{2} ctg \alpha_n) h_n + (a - l_n \sin \varepsilon) \times \\
& \quad \times [q_o t_y (1 + f ctg \gamma) + f q_e (2b_y - t_y ctg \gamma)] + \frac{n_d}{2} R^2 \left[\frac{\pi}{2} \arccos(1 - \frac{h}{R}) - (1 - \frac{h}{R}) \right] \times \\
& \quad \times \sqrt{1 - (1 - \frac{h}{R})^2 (K_1 + \varepsilon_1 V^2)} + D^2 B_k q \left[1 + \cos^2 \left(\frac{1}{2} \arcsin \frac{D + b_n - 2h_z}{D + b_n} - \right. \right. \\
& \quad \left. \left. - 2 \cos \frac{1}{2} \arcsin \left(\frac{D + b_n - 2h_z}{D + b_n} \right) \right] + \frac{1}{4} \rho V_m^2 B_k D \left(\frac{D + b_n - 2h_z}{D + b_n} \right)^2 + \mu_k Q_z. \quad (7)
\end{aligned}$$

Бу ифода бўйича ўтказилган ҳисоблар 1,7-2,5 м/с ҳаракат тезлигида машинанинг тортишга қаршилиги 38,2-41,6 кН оралиғида бўлишини кўрсатди.

Юқорида келтирилган параметрларни рационал қийматларини аниқлаш учун махсус тажрибавий лаборатория-дала қурилмаси ясалди.


Ўтказилган тажрибавий тадқиқотлар натижаларига кўра, ағдаргичсиз корпусларнинг жуфт-симметрик ҳолатида улар орасидаги бўйлама масофа 0,4-0,6 м, кўндаланг масофа 0,9 м, майдалагич пичоқлар сони 4 та, уларнинг тиғини горизонтга нисбатан ўрнатилиш бурчаги 30°, баландлиги 0,035 м ва узунлиги 0,12-0,14 м, сферик дискнинг диаметри 0,66 м, дисклар орасидаги кўндаланг масофа 0,23 м, ғалтакмоланинг диаметри 0,33 м, планкаларининг сони 11 дона, баландлиги 0,04 м, ўрнатилиш бурчаги 32° бўлганда кам энергия сарф қилган ҳолда тупроққа ағдармасдан ишлов бериш ва уни бир йўла такрорий экинлар экишга тайёрлаш технологиясини сифатли бажарилиши таъминланди.

Диссертациянинг «Полиз экинларини экиш учун тупроқни тайёрлайдиган машинани ишлаб чиқиш ва унинг ишчи қисмлари параметрларини асослаш» деб номланган тўртинчи бобида полиз экинларини экиш учун тупроқни тайёрлайдиган машинанинг конструктив схемаси ва унинг иш органларининг параметрларини асослашга доир назарий ҳамда экспериментал тадқиқотлар натижалари келтирилган.


Таклиф этилаётган технологияда (4-расм) экиш ҳудудининг четки *АВСД* ва *ИКЛМ* палахсалари ўз эгати чегарасида ағдарилиб (4,*а*-расм), ўрта *ДСКИ* қисми эса a_1 чуқурликда юмшатилади (4,*б*-расм), ағдариб ишлов берилган ва юмшатишган йўлак юза қатламидаги кесаклар майдаланади, суғориш ариғи шакллантиради, шаклланган пуштанинг юқори қисми текисланади (4,*в*-расм).

Таклиф этилган технологияни амалга оширадиган машина (5-расм) рама 1, дисксимон пичоқлар 2, таянч ғилдираклар 3, ўнг ва чап томонга ағдарадиган корпуслар 4 ва 5, заплужниклар 6 ва 7, тескарикесар лемехлар 8 ва 9, ғалтакмола 10, ариқочгич 11 ва текислагичлар 12 ва 13 дан ташкил топган.


Машинанинг иш жараёнида дисксимон пичоқлар 2 далани тик текисликда кесади ва массадан b_n ва b_{a1} кенгликдаги палахсаларни ажратади, ўнг ва чап томонга ағдарадиган корпуслар 4 ва 5 ҳамда заплужниклар 6 ва 7 экиш ҳудудидаги *АВСД* ва *ИКЛМ* палахсаларни ўз эгати чегарасида ағдаради, корпуслар 4 ва 5 да ўрнатилган тескарикесар лемехлар 8 ва 9 ағдарилган палахсалар оралиғи тупроғини юмшатади, ғалтакмола 10 ишлов берилган юзадаги кесакларни майдалайди ва дала юзасини текислайди, ариқочгич 11 суғориш ариғини шакллантиради, текислагичлар 12 ва 13 шаклланган суғориш ариғи пуштасининг



а)




б)



в)

а – экиш ҳудудини қисмларга ажратиш;
б – экиш ҳудудининг палахсаларини ўз эгати чегарасида ағдариш ва ўрта қисмини юза юмшатиш; *в* – ишлов берилган дала юзасидаги кесакларни майдалаш, суғориш ариғини шакллантираш, пуштанинг юқори қисмини текислаш

4-расм. Полиз экинлари экиш учун тупроқни тайёрлаш технологиясининг схемаси



5-расм. Полиз экинларини экиш учун тупроқни тайёрлайдиган машинанинг конструктив схемаси

юқори қисмини текислайди. Шундай қилиб, машинанинг бир ўтишида тупроқ полиз экинларини экиш учун тўлиқ тайёрланади.


Таклиф этилган технологияга асосан ўнг ва чап томонга ағдарадиган корпуслар экиш ҳудуди палаҳсасини ўз эгати чегарасида 180° га ағдаради.

Илгари ўтказилган тадқиқотларга кўра, ишлов бериш чуқурлигининг максимал қиймати $a_{max} = 26$ см ва корпус қамраш кенглигини унинг максимал ишлов бериш чуқурлигига нисбати $k = 1,67$ бўлганда, корпус қамраш кенглигининг рационал қиймати 43,4-47,0 см оралиғида бўлади. Шунинг учун винтсимон корпуснинг қамраш кенглиги $b_k = 0,45$ м, лемехининг эгат деворига ва эгат тубига нисбатан ўрнатилиш бурчакларини мос ҳолда $\gamma = 44^\circ$ ва $\varepsilon = 34^\circ$ этиб қабул қиламиз.


Ўнг ва чап томонга ағдарадиган корпусларга ўрнатилган тескарикесар лемехларнинг асосий параметрларига қўйидагилар киради (6-расм): $b_{мл}$ – тескарикесар лемехнинг қамраш кенглиги, м; $\gamma_{мл}$ ва $\varepsilon_{мл}$ – тескарикесар лемехни ҳаракат йўналишига ва эгат тубига нисбатан ўрнатилиш бурчаклари, градус; $l_{мк}$ – корпус лемехи тумшуғидан тескарикесар лемех тумшуғигача бўлган бўйлама масофа, м; $h_{мл}$ – тескарикесар лемехни корпус лемехи тиғига нисбатан ўрнатилиш баландлиги, м; $i_{мл}$ – тескарикесар лемех тиғининг чархланиш бурчаги, градус; $t_{мл}$ – тескарикесар лемехнинг қалинлиги, м.

Тескарикесар лемехнинг қамраш кенглиги b_m ни аниқлаш учун қуйидаги ифода олинди (7-расм)

$$b_{мл} \leq \frac{1}{2}(b_{a1} - b_1), \quad (8)$$



7-расм. Тескарикесар лемехларнинг қамраш кенглигини аниқлашга доир схема



6-расм. Тескарикесар лемехли корпуснинг асосий параметрлари

бунда b_{a1} – ўнг ва чап томонга ағдарувчи корпуслар дала қирралари орасидаги кўндаланг масофа, м; b_1 – тескарикесар лемехлар товонлари орасидаги кўндаланг масофа, м.

Илгари олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари ҳамда корпус лемехининг параметрларидан келиб чиққан ҳолда тескарикесар лемехни ҳаракат йўналиши ва эгат тубига нисбатан ўрнатилиш бурчагини мос ҳолда $\gamma_{мл} = 40^\circ$ ва $\varepsilon_{мл} = 34^\circ$, қамраш кенглиги камида $b_{мл} = 0,175$ м, корпус лемехи тумшуғидан тескарикесар лемех

тумшуғигача бўлган бўйлама масофани $l_{mk} = 0,12$ м, тескарикесар лемехни корпус лемехи тиғига нисбатан ўрнатилиш баландлигини $h_{мл} = 0,1$ м, чархланиш бурчагини $i_{мл} = 25^\circ$ ва қалинлигини $t_{мл} = 0,008$ м қабул қиламиз.

Ариқочгичнинг асосий параметрларига қўйидагилар киради: α – тупрокка кириш бурчаги, градус; γ_1 – қанотининг очилиш бурчаги, градус; b_{a2} – пастки қиррасининг кенглиги, м; H_k – баландлиги, м; L_k – узунлиги, м; B_k – қанотларининг кенглиги, м.

Талаб этилган чуқурликдаги ариқни шакллантириш шартидан ариқочгични ботиш чуқурлиги a_a ни қўйидаги ифода бўйича аниқлаймиз

$$a_a = 0,5 \left[\frac{2(2H_a \operatorname{ctg} \varphi + b_c) + b_1}{+ \sqrt{4(2H_a + b_c \operatorname{tg} \varphi)^2 \operatorname{ctg}^2 \varphi + 4(2H_a \operatorname{ctg} \varphi + b_c \operatorname{tg} \varphi)b_1 + b_1^2}} \right] \operatorname{tg} \varphi, \quad (9)$$

бунда H_a – ариқнинг чуқурлиги, м; φ – ариқ деворини горизонтга нисбатан қиялик бурчаги, градус; b_c – экиш ҳудуди кенглиги, м; b_1 – тескарикесар лемехлар орасидаги кўндаланг масофа, м.

Ариқочгичнинг баландлигини шакллантириладиган ариқнинг чуқурлигидан келиб чиққан ҳолда қўйидаги ифода бўйича аниқлаймиз

$$H_k = (1 + \mu_1) \frac{2H_a + b_c \operatorname{tg} \varphi}{2}, \quad (10)$$

бунда μ_1 – ариқочгич олдида тупрокни уюмланишини ҳисобга олувчи коэффициент.

